



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ

Вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуман  
Материаллари туплами

**“Таълим сифатини таъминлашда  
ўқув-методик мажмуаларни ўрни:  
тажриба ва истиқболлар”**

Наманган шаҳри,  
27-28 ноябрь, 2014 й

1

**Талабаларни илмий-тадқиқот фаолиятига жалб этиш  
самарадорлигини ошириш**

А.С.Байдуллаев, Н.Э. Дуйсенов (Тошфарми)

Президент И.А.Каримов «Фан Ватан равнақиға хизмат қилсин» номли асарида: "...Бизнинг эндиги вазифамиз-маънавий ҳаётимизни, илм-фанимиз фаолиятини, изланишларимизни мана шу эски мафкура қолип-ларидан халос этиш, керак бўлса, тафаккуримизни мутелик исканжасидан фориг этишимиз зарур"<sup>13</sup>, - деб таъкидлаган эди.

Маълумки, талабалик даврида оламни билишга, фалсафий мушоҳадага, психологик таҳлилга, мантикий фикрлашга иштиёқ ва ҳаракат кучли бўлади. Шу билан бирга, уларда фантазияга мойиллик ҳам кучли бўлади, мана шу физиологик-психологик ҳолат тафаккурни ривожлантириш, билишга интилиш, илмий тадқиқот ишларини бажариш учун муҳим омил ҳисобланади.

Талабаларнинг илмий тадқиқот фаолияти, авваламбор, илмий фаолият характериға мутаносиб бўлган ҳамда шахсий хусусиятларини ривожлантиришга қаратилган усул (метод) ва педагогик шарт-шароитлар тизимини яратишни тақозо этади.

Талабаларнинг ижодий тасаввурини ўрганиш ва ривожлантириш, бизнингча, илмий тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш учун янги уфқларни очади, чунки олимнинг шахсияти айнан талабалик даврида шаклланади. Ёшларда рефлексия, яъни ўз билимлари чегараларини билиш ва бу чегаралардан чиқа олиш кўникма ва қобилиятлари айнан талабалик даврида намоён бўлади.

Талаба - ёшларни илмий тадқиқот ишларига йўналтириш давлат ва жамият тараққиёти билан бир қаторда муайян хиссий-руҳий эҳтиёж касб этиши ва буни ҳар доим назарда тутиш лозимлиги маълум миқдорда илмий асосланган бўлиб, бу ерда фикрларнинг уйғунлиги, илмий изланишлардаги ижтимоий-педагогик ва ижтимоий-психологик ҳамкорлик алоҳида кўзга ташланиб туради.

Илмий тадқиқотлар таҳлилларидан маълум бўладикки, ҳар қандай илмий - ижодий фаолият шахнинг ҳиссий, эҳтиёжи, руҳий-ақлий тараққиёти билан ҳамбарчас боғлиқ равишда амалга ошади. Бинобарин, ҳар қандай ўқитувчи илмий тадқиқот фаолияти талаба шахсининг ақлий қамолотини таъминловчи омил эканлигини билиши лозим.

Олиб борилган изланишлар натижасида шундай хулосага келдикки, "Педагогика фанида талаба - ёшларнинг илмий-ижодий фаолиятида юқори самарага қандай эришилади? Бу жараён қандай қилиб мақсадли ва тизимли амалга оширилади?" деган саволлар ҳамон ўз ечимини тўлиқ топа олган эмас.

<sup>13</sup> Каримов И.А. Фан Ватан равнақиға хизмат қилсин. 6 томлик асарлар, II том. -Т.: Ўзбекистон, 1996. - 79-80-бетлар.

Шундан келиб чиқиб, "Миллий гоё ва миллий мафкура талабаларига жавоб бера оладиган "Ўзод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт куриш"дек бош гоёмизни амалга оширувчи бўлажак мутахассисда шаклланаётган илмий-ижодий фаолият, илмий дунёқараш қандай талабаларга жавоб бериши керак? Бўлажак ўқитувчининг мафкураси қандай ижтимоий талаблар асосида шаклланоми лозим?" деган саволлар тадқиқот иши жараёнида ўз ечимини топтоми лозим, деган вазифани ўз олдимизга қўйдик. Шахсининг мафкуравий онги муайян илмий дунёқарашлар мувозанатида ўз ечимига эга бўлмоғи лозим. Шунинг учун олий таълим тизимида шаклланадиган бўлажак ўқитувчининг илмий-ижодий фаолияти фақат янги билимларни ўрганиш, маълумот олиш билан чекланадиган бўлса, унинг ижтимоий моҳияти юзаки бўлади.

Республикамиз ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида таълим-тарбия самарадорлигини ошириш кўни жиҳатдан талаба-ёшларни илмий тадқиқот ишларига мақсадли йўналтиришга боғлиқдир. Бу талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини муайян тизим асосида ташкил этиш талабини кўяди.

Илмий тадқиқот ишлари инсон ақлий фаолиятининг маълум мақсадга йўналтирилган ижодий ҳаракатлари мажмуидан иборат. Бу фаолиятдан кўзланган мақсад ҳодиса ёки жараён тўғрисида янги илмий билимларни ўрганиш ва кашф этиш, уни такомиллаштириш ҳамда уларни ижтимоий ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир.

Бугунги кунда жамиятнинг ҳар бир фуқароси фан ва техника ютуқларининг тобора ривожланиб бориши таъсири остида яшамоқда. Бу яна шуниси билан ҳам аҳамиятлики, техника ва технологиялар кун сайин такомиллашиб, ривожланиб бормоқда ва натижада шунга мос етук мутахассислар тайёрлаш зарурати ҳам тугилмоқда.

Илмий тадқиқот ишларининг илмий-назарий ечимларидан бошлаб, олинган натижаларни амалиётда қўллангача бўлган барча босқичлар "Талаба-ёшларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш модели" асосида самарали амалга оширилишига эришилса, тадқиқот иши муваффақиятли бажарилган бўлади.

Демак, ушбу жамиятга муносиб ва уни фаол ривожлантиришда иштирок этувчи шахс мутахассис сифатида илмий изланиш олиб бориши, олинган ахборотларни тизимларга ажратиши, муаммога хос фикр ва техникавий ечимларнинг мақбул вариантларини танлаш усулларини билиши зарур.

Ақлий фаолият бевосита илмий-ижодий фаолият билан боғлиқ бўлиб, у инсоннинг янги моддий ва маънавий неъматлар яратиш фаолиятидир.

Ўз навбатида, тадқиқот ва ижодий мулоҳазалар ҳам замонавий мутахассисдан илм-фан ютуқларидан фойдаланиш орқали истиқболли вазифаларнинг оптимал ечимини танилай билиш ва амалий фаолиятида тажриба-синов ишларини ўтказишни талаб қилади.

Зеро, жамият тараққиётида илм-фаннинг ривожини ва уни такомиллаштиришга бўлган интилиш, изланишлар ҳар бир жамиятнинг илмий-ижодий тараққиёти ва маданиятининг юксак кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланган.

**Касб хунари коллежларида таълим самарадорлигини ошириш ва ривожлантиришда янги педагогик технологияларнинг аҳамияти**  
доц. Х.Ш.Илхомов (ТошФарми), Х.М.Занжирова (МУИКХЖ)

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврдан бошлаб мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари қаторида таълим тизими, уни таркибий қисми бўлган Олий ва Ўрта махсус таълими ҳам туб ислохотларни бошдан кечириб, такомиллашиб бормоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида» ги қонуннинг қабул қилиниши ва уларда мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асослари, тамойиллари ва босқичларини белгилаб берганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Миллий мустақиллик гоёлари сингдирилган бу тарихий ҳужжатлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ривожланган мамлакатлар таълим тизимини ўрганишга ҳам кенг йўл очилди.

Мустақилликка эришилгандан сўнг ривожланган мамлакатлар олий ўқув юртлири билан ўзаро ҳамкорликлар мамлакатимиз таълим тизимига ушбу мамлакатлардаги илгор педагогик технологияларни ўз миллий кадриятларимиз нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, ўқув жараёнига жорий этишни ҳам тақозо қилди. Зеро, бу каби амалий ишлар мамлакатимиз таълим тизимини жаҳон таълим стандартлари билан интеграциялашувининг асосий белгиларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичида «ўқув-тарбиявий жараёнини илгор педагогик технологиялар билан таъминлаш» алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Шундай экан, мамлакатимиз урта махсус таълим ўқув юртлирида педагогик технологияга қизиқиш ортиб унга турлича қарашлар, ва бу тушунчани ўзига хос талқин қилишлар, шунингдек, педагогик технологияни ўқув жараёнига жорий этишга ҳам турлича ёндашувлар содир бўлмоқда. Масалан ўтган асрнинг 60-йилларида АКШ (Б. Блум, Д. Кратвол, Н. Гронланд, Ж. Керрол) да яратилган ва жаҳондаги 30 га яқин мамлакатлар таълим тизимида муваффақиятли қўлланиб келинаётган педагогик технологиянинг моҳияти, унинг назарий асослари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда бу технологиянинг мамлакатимиз таълим тизимига жорий этишнинг аҳамияти ҳақида фикрларини таъкидлаш жоиз. Зеро, ўқитишга технологик ёндашувнинг ўзбек халқ педагогикаси гоёлари билан уйғулаштириб ўқув жараёнига тадбиқ этиш, кадрлар тайёрлаш сифатини жаҳон таълим стандартларига мувофиқлаштиришда алоҳида ўрин тутиши муқаррардир.

Юртбошимиз томонидан таълимнинг янги моделига асос солиниши ва унинг келажак истиқболлари илмий асослаб берилди. Таълимнинг янги моделини амалиётга тадбиқ этиш ўқув жараёнини технология билан боғлиқдир.

Табиий савол туғилади: Нима учун бугунги кунда педагогик технологиянинг назарий асосини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш зарурати туғилди?

Бу омил мамлакатимизнинг ижтимоий сиёсатини белгилаб берганлиги туфайли таълимнинг янги модели яратилди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан моделнинг амалга ошириш билан жамиятимизнинг ҳаётида рўй бериш кутилаётган “Портлаш эффекти” ижобий натижалар рўй рост кўрсатиб берилди:

- ижтимоий - сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради;

- инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади;

- жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади;

- жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади;

- фуқаролик жамиятини қуришни таъминлайди, модел воситасида дунёда муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада ёйиб тараннум этишга эришилади.

Президентимиз томонидан кўрсатиб берилган “портлаш эффекти” сари шижоат билан қадам ташлаш, бу йўлда учрайдиган қийинчиликларни босқичма- босқич ва изчил ҳал этиш масалалари нафақат педагогик назарияти ва амалиётларини жунбушга келтиради, балки, жамиятимизни тўлиқ педагоглаштириш муаммосини ижтимоий буюртма сифатида келтириб чиқаради. Демак, жамиятимизнинг ҳар бир фуқаросини тарбия-шунослик асослари билан таништириш, ёш авлодни баркамол инсон қилиб вояга етказиш жараёни янги педагогик “қурол” ва воситалар билан таъминлаш давр тақозосидир.

Сўнгги пайтларда педагогик олимлар, амалиётчилар илмий асосланган таълим технологияларини ўз фаолиятларида кенг қўллашга итилмоқдалар. Таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш илмий муаммо сифатида махсус тадқиқ этишни кўзда тутаяди, бунда энг аввало куйидагиларни аниқлаш лозим:

- таълим технологияси сифатида нимани англатиши ва унинг тузилмаси қандай таркибий қисмлардан ташкил топган;

- жараён сифатида таълим технологиясининг функционал тузилмаси нималардан иборат;

- таълим технологиялари Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсадларига қай даражада тўғри келиши ва уни қандай баҳолаш мумкинлиги.

Шу билан бир қаторда педагогик технологиянинг туб моҳиятини кўриб чиқар эканмиз, ўқитишнинг анъанавий оғзаки баён қилиш усулидан